

Қуръони Карим дарслари (136-дарс) Янги тафсирлар



17:30 / 11.05.2021 2911

Замон ўзгариб, одамлар қадимги китобларнинг услуби ва тилидан узоқлашиб қолдилар. Ушбу сабаб туфайли катта уламолардан бошқалар эски тафсирлардан фойдаланишни ўйламай ҳам қўйдилар. Шунда баъзи тушунган уламолар тафсир илмида ҳам янгиланиш бўлиши лозимлигини ўйлай бошладилар. Ўй-фикрлар ва маслаҳатлар тафсир бўйича янги, замона руҳини акс эттирадиган, мусулмонларнинг эҳтиёжларини қондирадиган тафсир ёзилиши замоннинг талаби эканига ишонч ҳосил қилиш билан яқунланди.

Янги тафсир қилиш ва ёзиш Мисрдан бошланди. Бизга етиб келган маълумотларга қараганда, биринчи бўлиб Мисрнинг ислохотчи олимларидан шайх Муҳаммад Абдуҳ «Амма» порасига тафсир ёзди. Шунингдек, Ал-Азҳардаги дарсларида Қуръони Каримнинг биринчи беш порасини тафсир қилди.

– Кейин у кишининг шогирди шайх Муҳаммад Рашид Ризо «Ал-Манар» деб номланган тафсирини ёзди. У киши Қуръони Каримнинг ўн икки порасини тафсир қилди.

– Шайх Абдулқодир Мағрибий 1920 йилда «Таборақ» порасини тафсир қилди.

- Ал-Азхарнинг шайхи Маҳмуд Шалтут биринчи ўн порага тафсир ёзди.
- Шайх Абдулжалил Ийсо «Айсарут-тафасир» деб номланган тафсирини ёзди.
- Шайх Муҳаммад Абу Заҳра Намл сурасигача тафсир ёзди ва у ўн жузда нашр этилди.
- Шайх Тантовий Жавҳарий «Ал-Жаваҳир» тафсирини ёзди. Бу тафсир жуда катта бўлиб, унда турли маълумотлар бор. Муаллиф мусулмонларни ҳаётнинг барча соҳаларида тараққиётга интилишга чорлаган. Шу мақсадда Қуръони Каримда зикри келган ҳар бир нарса ҳақида илмий маълумотлар беришга катта эътибор қаратган. Оқибатда гап чўзилиб кетган. Ҳаттоки шайх Тантовий Жавҳарийнинг танқидчилари «Ал-Жаваҳир» тафсирида тафсирдан бошқа ҳамма нарса бор, дейишган.
- Жазоирнинг кўзга кўринган олимларидан бири бўлган шайх Абдулҳамид ибн Бадис Қуръони Каримнинг баъзи сура ва оятларини тафсир қилган ва у бир жилдда нашр этилган.

«Қуръон илмлари» китоби асосида тайёрланди